



NAVOIY VILOYATI NUROTA TUMANI HOKIMI QARORI

210700, Nurota t., Islom Karimov sh. k 48, tel: (79)523-13-42, nurota@nv.uz

2022 - yil 2 - mart

32-5-74-Q/22

Nurota tumani hokimligi

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги ПҚ-140-сон ҳамда вилоят ҳокимининг 2022 йил 27 февралдаги 35-5-0-Q/22-сонли қарорлари ижросини таъминлаш тўғрисида”

Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш ва 2022 йил чақирувини сифатли ўtkазилишини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимиияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган муддатли ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида”ги ПҚ-140-сон ҳамда вилоят ҳокимининг 2022 йил 27 февралдаги 35-5-0-Q/22-сон қарорлари раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарорига мувофиқ:

чақирилиш муддатини кечикириш ва чақирилишдан озод этилиш ҳукуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2022 йилнинг март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилиши;

ҳарбий хизматга ярокли, шу жумладан чекловлар билан ярокли бўлган ҳамда чақирилиш муддатини кечикириш ва чақирилишдан озод этиш ҳукуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув даврида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резерви хизматига олиниши;

муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2022 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар резервига бўшатилиши белгилаб қўйилганлиги инобатга олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 06 марта “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий хизматга чақириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги ПҚ-4630-сонли қарори билан тасдиқланган “Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш бўйича комиссиялар фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ПҚ-4076-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низом талабларига асосан қўйидаги комиссиялар ва режалар:

туман мудофаа ишлари бўлими ҳузуридага бутлаш комиссияси (кейинги ўринларда – бутлаш комиссияси деб аталади) таркиби 1-иловага;

туман мудофаа ишлари бўлими ҳузуридаги худудий комиссия (кейинги ўринларда–худудий комиссия деб аталади) таркиби 2-иловага;

туман мудофаа ишлари бўлими ҳузуридаги худудий тиббий комиссия (кейинги ўринларда–худудий тиббий комиссия деб аталади) таркиби 3-иловага;

туман ишчи гурухи таркиби 4–иловага;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 февралдаги ПҚ-140-сонли қарори ижросини ташкил этиш бўйича ҳудудларга бириктирилган масъуллар рўйхати 5–иловага;

чақирав мавсумида чақирилувчиларни туман мудофаа ишлари бўлимiga бориши учун хабар қилиш ва боришлиарини таъминлаш, шунингдек чақирав мавсумини сифатли ва самарали ўтказиш мақсадида жалб этиладиган маҳалла раислари рўйхати 6-иловага;

чақирав мавсумида чақиравдан бош тортиб юрган чақирилувчиларни туман чақирав комиссиясига олиб келишни таъминлаш учун автотранспорт ажратувчи корхона ва ташкилотлар рўйхати 7-иловага;

2022 йилнинг 15 февралядан 1 май кунигача туман Мудофаа ишлари бўлими ихтиёрига чақирав муддати давомида иш ҳаққини сақлаган ҳолда техник ходимлар ва хизматчиларни ўз вақтида хизмат сафарига юборишлари 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Вафоев, туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи Ш.Исройлов:

муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга олиш бўйича комиссия фаолиятини ташкил этиш;

Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, амалга оширилаётган ислоҳотлар, шу жумладан ҳарбий соҳага оид меъёрий хужжатлар мазмун-моҳиятини муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган фуқаролар онгига сингдириш;

муддатли ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшларнинг халқ орасида ҳурмат эътиборга эга бўлган, барчага намуна бўлиб келаётган нуроний отахон ва онахонлар, шунингдек ота-оналари қаршисида Ватан олдидаги бурчини садоқат билан бажаришлари юзасидан “Йигит сўзи”ни бериш тадбирлари ўтказилиши таъминлансин.

5. Худудларга бириктирилган масъуллар:

Тумандаги комиссиялар билан алоқа ўрнатиб, улар фаолиятига мунтазам амалий ёрдам бериб борсин;

муддатли ҳарбий хизматга чакириладиган фуқароларни йиғиш, ҳарбий қисмларга тантанали

кузатиш, Қуролли Кучлар резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларида тантанали кутиб олиш бўйича ўтказиладиган тадбирлар маҳалла фуқаролар йигинлари билан биргаликда мувофиқлаштирсин ҳамда тантаналарни юқори савияда ўтишини ташкил этишда бевосита ёрдам кўрсатсан;

2022 йилги чакиравда муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун чакириладиган чакирилувчиларни ҳарбий қисмга тантанали кузатиш кунига қадар ҳамда 2022 йилги чакиравга маҳалла фуқаролар йигинлари бўйича сафарбарлик чакируви резерви хизматига қабул қилиш учун берилган режани 2022 йил 30 апрель кунига қадар бажарилишига жавобгарликлари белгилансин;

бириктирилган худудда чакирав тадбирларига тайёргарлик ишлари ва унинг ўтказилиши бўйича ҳар ҳафтада туман Мудофаа ишлари бўлимига маълумот тақдим этилиши, туман Мудофаа ишлари бўлими умумлаштириб, туман ҳокимига тақдим этиб борилиши йўлга қўйилсан.

6. Туман ишчи гурухи:

туман мудофаа ишлари бўлими томонидан тайёрланган саволнома асосида худуддаги чакирав пунктининг моддий-техник базаси ва жиҳозланиши, чакирав комиссияси иш режалари ва фаолиятининг ташкил этилиши ҳолатини танқидий-тахлилий ўргансин ва мавжуд камчиликларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатсан;

ўрганиш натижалари бўйича тегишли маълумотларни 2022 йил 1 марта қадар (бажарилган ишлар, мавжуд камчиликлар ва муаммолар, уларни ҳал этиш ечимлари бўйича таклифларни аниқ кўрсатган ҳолда) туман ҳокимлигига тақдим этсан.

7. Туман ҳокимининг ўринбосарлари (Ш.Вафоев, А.Шокиров) Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими (У.Усмонов) фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга кузатиш ва ҳарбий хизматдан кутиб олиш тантаналарига чакирилувчиларнинг ота-оналари, маҳалла фаоллари, фахрийларнинг иштироки ва чиқишиларини ташкил этиш чора-тадбирларини кўрсинг.

8. Туман мудофаа ишлари бўлими (Ш.Исройлов), туман молия бўлими (С.Хайдаров), ҳамда бошқа ҳамкор ташкилот ва корхоналар билан бирга:

чакирав пунктларида ошхона ва савдо нуқталари ташкил этиш, уларни этарли даражада озиқовқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш;

туман мудофаа ишлари бўлими томонидан ишлаб чиқилган эскизлар асосида чакирав пунктларини ташки безаш (панно ва банерлар ўрнатиш) ишларини амалга ошириш чораларини кўрсинг.

9. Туман мудофаа ишлари бўлими (Ш.Исройлов):

туманда чакирав ёшидаги фуқароларни 2022 йил март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга чакириш ва сафарбарлик чакируви резерви хизматига олиш ишларини юқори савияда ташкил этилишини;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 14 январдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатли ҳарбий хизматга тантанали кузатиш ва резервга бўшатилган муддатли ҳарбий хизматчиларни кутиб олиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 10-сонли қароридаги вазифалар ижросини таъминланишини;

фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йигиш ва жўнатиш тадбирларини юқори савияда ташкиллаштириш мақсадида туман мудофаа бўлимидан масъулларни худудларга бириктирилишини ва 4-5-иловалар билан тасдиқланган худудларга бириктирилган масъуллар билан ҳамкорликда ишлашини йўлга қўйиш;

туман ишчи гурухи ва ҳудудларга бириктирилган масъуллар томонидан тақдим этилган материалларни таҳлил қилиб, умумий ахвол бўйича умумлаштирилган маълумотларни 2022 йилнинг 1 март кунига қадар туман хокимлигига киритиш;

муддатли ҳарбий хизматга чақириладиган фуқароларни йиғиш, уларни ҳарбий қисмларга жўнатиш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари захирасига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни кутиб олиш маросимларини юқори савияда ташкил этишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таъминлаш;

тегишли бўлим, ташкилот, мутассади идоралар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлиқда муддатли ҳарбий хизматга чақирилган, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга ўтказилган, муддатли ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ўтаб, Қуролли Кучлар резервига бўшатилган ҳарбий хизматчилар ўртасида қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ҳақида тушунтириш ишларини ташкил этсин.

10. Туман тиббиёт бирлашмаси (Ш.Халилов), туман мудофаа бўлими билан ҳамкорлиқда:

фуқароларни тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ПҚ-4076-сонли қароридаги вазифалар ижроси таъминлансан;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 14 марта “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўриқдан ўтказиши ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 11, 8, 5, 6, 23 ққ, 37-сон қарорининг 2-иловаси “Тиббий комиссия шифокор-мутахассисларининг хоналари жиҳозланиши лозим бўлган дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг рўйхати” бўйича таъминлаш;

худудий тиббий комиссия томонидан тиббий текширув натижаларига асосан туман шифохоналарига йўлланма берилган чақирилувчиларни даволаш чораларини кўриш.

чақирув пунктини тиббий анжомлар, асбоб-ускуналар билан талаб даражасида жиҳозлаш, шунингдек тиббий кўриқдан сифатли ва холисона ўтказилишини таъминлаш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиб бажарилишини қатъий назоратга олиш;

тумандаги худудий тиббий комиссияси таркиби кўриб чиқилиб, улар таркибини юқори малакали ва тажрибали ходимлар билан тўлиқ таъминлаш, шунингдек чақирилувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш жараённида адолат ва холислик мезонлари асосида бўлишини таъминлаш юзасидан тиббий комиссия катта шифокорлари масъулиятини янада ошириш чораларини кўрсин.

11. Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (И.Амонов):

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 июнданги 339-сонли Қарорига мувофиқ туман хокимлиги билан биргалиқда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларни уларнинг мутахассисликларини инобатга олган ҳолда, шу жумладан меҳнат ярмаркаларини ўтказиш орқали қонунчиликда ўрнатилган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва амалга ошириш;

мудофаа ишлари бўлими томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида муддатли ҳарбий хизматдан Қуролли Кучлар резервига бўшатилган фуқароларнинг рўйхатларини умумлаштириб бориш;

муддатли ҳарбий хизматни ва сафарбарлик чакирави резервидаги хизматни ўтаган фуқаролар белгиланган тартибда кичик ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишига кенг жалб этишга кўмаклашсин.

12. Туман санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати (О.Нормуродов):

Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш учун ўтказиладиган худудий тиббий комиссия фаолиятини олиб боришида санитария-эпидемиологик ҳолатларини назорат қилиш ва Республикада карантин ҳолати давом этаётгандиги сабабли шаҳар чакирав пунктида иш фаолиятини олиб бораётган шахсий таркибга керакли дезенфекцияловчи воситалар, химоя анжомлари ва шахсий химоя воситалари билан тўлиқ таъминлаш;

муддатли ҳарбий хизматга жўнатиладиган чақирилувчилардан, сафарбарлик чакирави резерви хизматчиларидан ҳар ойда коронавирус инфекцияси учун таҳлиллар олиш ишларини амалга оширсин ва муддатли ҳарбий хизматга янги чақириладиган чақирилувчиларни тўлиқ эмлаш ишлари амалга оширилсин ҳамда эмланганлик тўғрисидаги “Сертификат” берилишини таъминлаш;

экспресс таҳлилларда короновирус инфекцияси аниқланган ҳолатларда, ташхисни тўлиқ аниқлаштириш мақсадида ЎР ССВ Санитария-эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати худудий муассасасида полимераза занжир реакцияси (ПЗР) таҳлиллари ўтказилишини ташкил этсин.

13. “Ўзбектелеком” АК туман филиали (Х.Боқиев), 2022 йилнинг чақиравини ўз вақтида ўтказишида туман чакирав пунктини телефон алоқаси билан узлуксиз таъминлаш тавсия этилсин.

14. Нуротагаз таъминоти бўлими (Ш.Исматуллаев), “Нурота туман худудий электр тармоқлари” корхонаси (У.Фармонов) 2022 йилги чакирав мавсумида ва доимий туман чакирав пунктини табиий газ билан бир меъёрда таъминланиши ҳамда электр-энергиясининг узлуксиз этказиб берилишини назоратга олсин.

15. “Нурота сув таъминоти” МЧЖ (О.Бозоров), 2022 йилги чакирав мавсумида туман чакирав пунктига ичимлик суви узлуксиз этказиб берилиши назоратга олинсин.

16. Туман ҳокимлиги матбуот хизмати (Л.Мансуров), туман “Нурнома” газетаси таҳририяти (Л.Бозоров), ёшларни Қуролли Кучларда хизмат қилишга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чакирилишнинг амалга оширилишини, чакирав комиссиясилар ишини, резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни кутиб олиш бўйича ташкил этиладиган тадбирларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш ишларини амалга ошириш тавсия этилсин.

17. Ушбу қарорнинг ижроси назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Вафоев ҳамда туман мудофаа ишлари бўлими бошлиги Ш.Исройловлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Fayziyev A. I.

Nurota tuman hokimining
2022 yil 2 martdag'i
32-5-74-Q/22-son qaroriga
1-ilova

**Нурота туман Мудофаа ишлари бўлими хузуридаги бутлаш комиссияси раиси ва аъзоларининг
таркиби**

Ҳарбий унвони ва Ф.И.Ш	Иш жойи ва лавозими
Бутлаш комиссияси раиси- Марказий ҳарбий округ вакили	

Аъзолари:

к-н:О.Қ.Аризиев	Нурота тумани ички ишлар бошлигининг ўринбосари
л-н:А.У.Рахимов	Миллий гвардия вакили 87214-ҳарбий қисм патруллик ҳаракатчан атряди командии
майёр: К.А.Тоштемиров	Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари 9263-ҳарбий қисм ва кадрлар ва тарбия ишлари бошлиги
подполковник: Н.Б.Мухиддинов	Туман Фавкулотда вазиятлар бўлими бошлиги

Комиссия котиби:

ҚҚ хизматчиси: Р.Р.Назаров	Нурота тумани Мудофаа ишлари бўлими чақирув бўлимининг ёрдамчиси
----------------------------	--

Nurota tuman hokimining
2022 yil 2 martdag'i
32-5-74-Q/22-son qaroriga
2-ilova

Нурота туман Мудофаа ишлари бўлими хузуридаги ҳудудий комиссияси аъзоларининг таркиби

Ф.И.Ш	Иш жойи ва лавозими
Ш.Вафоев	Комиссия раиси – Нурота туман ҳокимининг ўринбосари
Подполковник: Ш.Истроилов	Комиссия раисининг ўринбосари - Нурота туман Мудофаа ишлари бўлими бошлиги
Аъзолари:	
майёр: Ф.Имомов	Нурота туман ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари
А.Шокиров	Туман ҳокимининг ўринбосари, Маҳалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш бўлими бошлиги.
Н.Шарипов	Тиббий комиссия катта шифокори- ТТБ терапевти
Комиссия котиби:	
Н.Санаева	Туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси

Nurota tuman hokimining
2022 yil 2 martdag'i
32-5-74-Q/22-son qaroriga
3-ilova

Нурота туман Мудофаа ишлари бўлими хузуридаги ҳудудий тиббий комиссия таркиби

№	Ф.И.Ш	Мутахасислиги	Иш жойи ва лавозими
Асосий таркиб			
1.	Н.Шарипов	Терапевт	КТМП врачи
2.	Ф.Кўлдошев	Дермотовенеролог	КТМП дермотовенеролог врачи
3.	С.Хўжамов	Оториноларинголог	КТМПО фтириноларинголог врачи
4.	А.Жумаев	Стоматолог	КТМП стоматолог врачи
5.	В.Бозоров	Жарроҳ	КТМП жарроҳ врачи
6.	А.Ражабов	Невролог	КТМП невролог
7.	И.Қодиров	Психиатр	КТМП психиатр врач
8.	О.Шукуров	Кўз касалликлари врачи	КТМП кўз касалликлари врачи
9.	Ф.Очилов	Рентгенолог	КТМП рентгенолог врачи
Захирадаги таркиб			
1.	Э.Бобоқандов	Ҳудудий тиббий комиссия катта врачи	КТМП врачи
2.	Т.Шабонова	Терапевт	КТМП врачи
3.	З.Жўракулова	Невролог	КТМПТСК невролог
4.	Н.Жумаева	Оториноларинолог	4-сон оиласвий поликлиникаси оториноларинголог врачи
5.	Б.Умаралиев	Дермотовенеролог	4-сон оиласвий поликлиникаси дермотовенеролог врачи
6.	Н.Тилавова	Стоматолог	КТМП стоматолог врачи
7.	Л.Гофурова	Кўз касалликлари врачи	КТМПТСК кўз касалликлар врачи
8.	М.Қувонов	Жарроҳ	КТМП -27 Жарроҳ врачи
9.	Х.Тоғаев	Рентгенолог	КТМП рентгенолог врачи
10.	Д.Рамазонов	УТТ (УЗИ) врачи	КТМП врачи
11.	Р.Раззоков	Эндоскопист	КТМП врачи
12.	Н.Наврӯзова	Психиатр	Асаб руҳий деспансери психиатр врачи

Изоҳ: туман тиббиёт бирлашмаси томонидан жорий йилнинг 21 февралидан 30 апрелгача ҳар бир мутахассис врач учун бир нафардан тиббий ҳамшира ҳамда 2 нафар санитар техник ходим ажратилиди.

Nurota tuman hokimining
2022 yil 2 martdagi
32-5-74-Q/22-son qaroriga
4-ilova

**Туман чақириув пунктининг моддий-техник базаси ва жихозланиши ҳамда чақириув комиссияси
фаолиятини ташкил этилиши ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гурух**

ТАРКИБИ

Т/р	Ф.И.Ш	Лавозими
1.	Ш.Вафоев	Туман ҳокимининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Ишчи гурух раҳбари
2.	Ш.Исройлов	Туман мудофаа ишлари бўлими бошлиги, Ишчи гурух раҳбарининг ўринбосари

Ишчи гурух аъзолари:

4.	Ф.Имомов	Туман Ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари
5.	С.Саноев	Миллий Гвардиянинг туман бўйича бўлими бошлиги
6.	М.Асатов	Туман Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими мутахасиси
7.	Ш.Халилов	Туман Соглиқни саклаш бўлими бошлиги
8.	О.Нормуродов	Туман Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бўлими бошлиги
9.	Б.Бобоназаров	Туман халқ таълими бўлими бошлиги
11.	У.Усмонов	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги туман бўлими бошлиги
12.	М.Фахриддинов	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқи туман кенгаши раиси
13.	У.Қаххоров	Туман Жисмонийтарбияваспорт бўлимибошлиги
14.	И.Амонов	туман Бандликбўламибошлигининг биринчи ўринбосари
15.	Ш.Исматуллаев	“Нурота газ таъминоти” бўлими бошлиги
16.	У.Фармонов	Нурота туман электр тармоқлари корхонаси бошлиги
17.	О.Бозоров	Навоийсувтаъминот Нурота бўлимиди ректори

Nurota tuman hokimining
2022 yil 2 martdagি
32-5-74-Q/22-son qaroriga
5-ilova

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 февраль кунидаги ПҚ-140-сон қарори
ижросини таъминлаш бўйича маҳалла фуқаролар йигинларига бириктирилган масъуллар**

РЎЙХАТИ

T/г	Маҳалла фуқаролар йигинлари	Бириктирилган масъул шахслар
Туман бўйича		Ш.Вафоев -Туман ҳокимининг Ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, Ишчи гурӯх раҳбари
1.	Ш.Исройлов	Туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, Ишчи гурӯх раҳбарининг ўринбосари
2.	Ф.Имомов	Туман Ички ишлар бўлими бошлигининг ўринбосари
3.	С.Саноев	Миллӣ Гвардиянинг Туман бўйича бўлими бошлиғи
4.	М.Асатов	Туман Маҳалла ва оиласи қўллаб-қувватлаш бўлими мутахасиси
5.	Ш.Халилов	Туман Соғликни саклаш бўлими бошлиғи
6.	О.Нормуродов	Туман Санитария-эпидемиологик осойишталиқ ва жамоат саломатлиги бўлими бошлиғи
7.	Б.Бобоназаров	Туман халқ таълими бўлими бошлиғи
8.	И.Амонов	Туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш бўлими бошлиғи

Изоҳ: Ушбу бириктирилган вакиллар 2022 йилги чақиравда муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун чақириладиган чақирилувчиларни ҳарбий қисмга тантанали кўзатиш кунига қадар ҳамда 2022 йилги чақиравга маҳалла фуқаролар йигинлари бўйича сафарбарлик чақируви резерви хизматига қабул қилиш учун берилган режани 2022 йил 30 апрель кунига қадар бажарилишига жавобгардирлар.

Nurota tuman hokimining
2022 yil 2 martdag'i
32-5-74-Q/22-son qaroriga
6-ilova

Нурота тумани мудофаа ишлари бўлимида 2022 йил чақирувни сифатли ўтказиш

учун жалб этиладиган Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари

РЎЙХАТИ

№	МФЙ раислари Ф.И.Ш	МФЙ номи
1.	И.Ўташев	Чуя МФЙ
2.	Э.Дўсматов	Қадоқ МФЙ
3.	Э.Сафоев	Бўстон МФЙ
4.	Ж.Мирзаев	Жарма МФЙ
5.	Ў.Маматов	Сувлик МФЙ
6.	Ў.Турсунов	Янгитурмуш МФЙ
7.	Н.Мадатов	Истиқлол МФЙ
8.	Т.Ражабов в.в.б	Амир Темур МФЙ
9.	Т.Рахмонов	Янгиҳаёт МФЙ
10.	Ш.Бозорова	Деҳибаланд МФЙ
11.	А.Қудратов	Орасой МФЙ
12.	Ш.Ирисов	Авазсой МФЙ
13.	Лавозим бўйича	Қизилча МФЙ
14.	Б.Қодиров	Тинчлик МФЙ
15.	М.Мирзаев	Сентоб МФЙ
16.	У.Муродов	Каттасой МФЙ
17.	Д.Хикматов	Темирқовуқ МФЙ
18.	С.Рахимов	Нурфаҳр МФЙ
19.	Ш.Пўлотов	Ибн Сино МФЙ
20.	Р.Сайдов	Faфур Гулом МФЙ
21.	О.Бозоров	А.Навоий МФЙ
22.	Т.Ёдгоров	Шаҳристон МФЙ
23.	Б.Шарипов	Миришкор МФЙ
24.	Б.Эшмуродов	Нуробод МФЙ
25.	Ў.Рахимов	Эшон Судур МФЙ
26.	А.Улуғов	Бўдиқ МФЙ
27.	Ё.Тойиров	Оқмачит МФЙ
28.	З.Бозоров	Истиқбол МФЙ
29.	С.Шодиев	Мустақиллик МФЙ
30.	А.Сиддиқов	Турко МФЙ
31.	К.Бахриддинов	Сайидато МФЙ

Нурота тумани мудофаа ишлари бўлимида 2022 йил чақирувни сифатли ўтказиш учун Ғозғон шаҳридан жалб этиладиган Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари

РЎЙХАТИ

№	МФЙ раислари Ф.И.Ш.	МФЙ номи
1.	Ҳ.Рахимов	Шайхон МФЙ
2.	Ф.Ражабов	Мармаробод МФЙ

3.	Э.Хамроева	Тумар МФЙ
4.	В.Сафоев	Гулистон МФЙ

Nurota tuman hokimining
2022 yil 2 martdagি
32-5-74-Q/22-son qaroriga
7-ilova

**Нурота туман мудофаа ишлари бўлимида 2022 йил чақирув мавсуми давомида чақирувдан
бўйин товлаб юрган чақирилувчиларни туман чақирув комиссиясига олиб келишни таъминлаш
учун автотранспорт ажратувчи корхона ва ташкилотлар**

РЎЙХАТИ

T/R	Корхоналар рўйхати	Муддати
1.	Туман халқ таълими бўлими	21.02.2022 дан 22.03.2022 гача
2.	Туман ободонлаштириш бошқармаси	23.03.2022 дан 10.04.2022 гача
3.	Туман Мудофага қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти	11.04.2022 дан 30.04.2022 гача

Nurota tuman hokimining
2022 yil 2 martdagi
32-5-74-Q/22-son qaroriga
8-ilova

**Нурота туман Мудофаа ишлари бўлимида 2022 йил чақирув мавсумини сифатли ўтказиш учун
жалб этиладиган корхона, ташкилот, муассасалар томонидан ажратилган техник хизматчилар ва
умумтаълим муассасалари, тиббий ходимлар**

РЎЙХАТИ

№	Корхона, ташкилот ва муассасалар номи	Тиббий хамширалар сони	Техник хизматчилар		Эслатма
			Харбийга хизматга мажбуrlар	Аёллар	
1.	Туман тиббиёт бирлашмаси	6/1			
2.	Нурота газ таъминоти бўлими		2		
3.	5-сон “Болалар мусиқа ва санъат” мактаби		1	1	
4.	Туман ободонлаштириш бошқармаси		2		
Жами:		6/1	5	1	

Эслатма: Корхона ташкилот ва муассасалардан жалб этиладиган техник хизматчиларнинг чақирув пунктида фаолият кўрсатиш мuddати 2022 йилнинг 21 февралидан 30 апрелгача.